

Мерос илмидаги истилоҳлар ва уларнинг маънолари

15:48 / 18.04.2017 4304

Мерос илмида бир қанча истилоҳий сўзлар мавжуд бўлиб, бундан кейин уларни қуйидаги шаклда қўллаймиз:

1. **ضرفل** - бу вориснинг шариат асосида белгилаб берилган мерос насибасидир.
2. **مسئل** масаланинг асосидан ҳар бир ворисга бериладиган муайян қисм.
3. **كترت** - маййит қолдирган мол ва ҳақ-ҳуқуқлар
4. **بسنل** - бу ўғиллик, оталик ёки улардан бирига боғлиқликдир.
5. **عرفل** - агар меросда фаръ сўзи мутлақ шаклда қўлланса, ундан фақат маййитнинг ўқли, қизи, ўқлининг қизи ёки ўқли ирода қилинади. Отанинг фаръи деганда ака-ука, опа-сингиллар, туқишган ака-ука, опа-сингилнинг фарзандлари, ота бир ака-ука, опа-сингиллар фарзандлари тушунилади.
Бобонинг фаръи деганда амаки ва унинг фарзандлари ирода қилинади
6. **لصل** - мутлақ ҳолда зикр қилинса, ундан ота-она, саҳиҳ боболар (ота томондан бўлган боболар) ва саҳиҳ момолар (ота томонидан бўлган момолар) ирода қилинади.
7. **دلول** - Маййитнинг ўғил-қиз фарзандлари тушунилади
8. **ثراول** - тарикадан маълум улушга ҳақли бўлган киши
9. **بصعل** - муайян белгиланган мероси бўлмасдан фарз эгаларидан қолган меросни олувчи, агар фарз эгалари бўлмаса ҳамма меросни олишга ҳақли киши.
10. **ءالءال** - бирон бир йўл билан маййитга нисбатланиш, қариндошлик алоқаси боқланиши.
11. **تيمل** - жасадидан руҳ чиқиб кетган киши.

Аммо **تيمم** - йо ҳарфининг ташдид билан келса, ҳолати ўликлардек бўлган тирикларга айтилади. Ояти каримада:

﴿ **نَوْتِيْم مَّهْنِ اَوْ تِيْم كُنْ اِ** ﴾

яъни: «Сен вафот этувчи ва улар ҳам вафот этувчидирлар» дейилган.

Агар **تيمم** шаклида келса, бу руҳи ношаръий йўл билан чиққан ҳайвонларга айтилади.

Маквзуга оид адабиётлар

1. Муҳаммад Анвар Бадахшоний, «Тавзихул-фароиз ас-сирожия». Мадина Мунаввара, 1992-й.
2. Муҳаммад Али Собуний, «Ал-маворис фиш-шариатил-исломия», Лубнон
3. Носир ибн Муҳаммад Ғомидий, «ал-Хулоса фи илмил-фароиз» , Макка Мукаррама, 1996-й.
20. Муҳаммад Амин ибн Обидин, «Раддул мухтор алад-дуррил-мухтор», Қоҳира, 1966-й.
21. Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий, «Ал-Мабсут» Қоҳира, 1900-й.
22. Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий, «Тухфатул-фуқаҳо», Дамашқ, 1956-й.
23. Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Косоний, «Бадоиус-саноиъ фи тартибиш-шароиъ», Қоҳира, 1910-й.
24. Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Мавдуд ибн Мадуд-дин ал-Мавсилий, «ал-Ихтиёр литаълилил-мухтор», Қоҳира, 1951-й.
25. Бурҳониддин ал-Марғиноний, «ал-Ҳидоя шарҳ Бидоятил-мубтадий», Қоҳира. 1996-й.
26. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Алий ар-Раҳабий, «ал-Фароиз ар-Раҳабия», Дамашқ, 1903-й.
27. Сирожуддин Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдуллаҳид Сажовандий, «ал-Фароиз ас-Сирожия», Деҳли, 1860-й.